

## Мадинада Ҳаж мавсумида 18 та шифохона ва тиббиёт марказлари хизмат қилади



16:59 / 15 май 678

Мадина саломатлик кластери томонидан 2024 йилги Ҳаж мавсумида зиёратчиларга хизмат кўрсатиш учун 18 та шифохона ҳамда тиббиёт марказлари ажратилди.

Madina Health Cluster хабарига кўра, тиббиёт марказлари ва шифохоналар жаҳон андозаларига мос ускуналар билан жиҳозланган, зиёратчиларга ёрдам бериш учун юқори малакали 20000 дан ортиқ ходимлар хизмат қилиши маълум қилинган.

Ҳаж мавсумида ходимлар зиёратчиларга хизмат қилиш учун икки сменада ишлайди.

Шунингдек, шошилиш масалаларга жавоб бериш учун фавқулодда вазиятлар бўлими хизмати жорий қилинди.